

Фарзанд тарбияси (15-дарс)



15:59 / 21.12.2017 3670

Дарс Қуръони каримдан ёд олинганини текшириш ила бошланди. Сўнгра ота таниш-билишларнинг аҳволини сўради.

Шунда Фотима: «Мактабдан қайтаётганимда йўлни кесиб ўтаётган кишини кўрдим. Бирдан тезликда келаётган машина ўша кишини туртиб юборди ва у киши ерга йиқилди, одамлар тўпланиб олди. Тез ёрдам машинаси келиб, ўша одамни шифохонага олиб кетди», деди.

Ота: «Буни кўрганингда нима дединг, Фотима?» деди.

Фотима: «АЛЛОҲдан ўша киши учун шифо сўрадим ва ўрнида бўлмаганим учун АЛЛОҲга ҳамд айтдим», деди.

Ота: «Яхши... Лекин ўша кишига ўхшаш бирор бир инсонни кўрганимизда айтиладиган бир зикрни Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам бизга ўргатганлар:

قَالَ خَيْرٌ مِنْ مَرِيئَاتِكَ لَعَلَّ أَنْ لَمْ يَضْفَوْهُ وَبَكَالَتْ بِأُمِّمِ بْنِ أَعْيُ دَلَّ هَلْ لَمْ دُمَّ حَلَّ
الْيَضْفَات

“Алҳамду лиллаҳиллазий ъафааний миммабталака биҳ ва фаззоланий ъала касийрин мимман холақо тафзийлаа”.

(«Сизга йўлиққан нарсадан менга офият берган АЛЛОҲга ва Ўзи яратган кўп нарсалардан мени мутлақо афзал қилиб қўйган АЛЛОҲга ҳамд бўлсин»).

(Имом Термизий ривояти.)

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ким бу зикрни айтса, ўша бало унга етмаслигининг хабарини берганлар. Лекин, Фотима, эътибор бер, бало етган инсоннинг қалби аламланмаслиги учун бу зикрни инсон эшитмайдиган қилиб ичимизда айтамыз», деди.

Маҳмуд: «АЛЛОҲга қасамки, Фотимадан бу воқеани эшитиб, ўша кишига жуда ачиндим, отажон», деди.

Ота деди: «Яхши, ўғлим. Мана бу ўша улуғ Исломдир. Худди шундай, ҳар бир мусулмон ўз биродари мусулмоннинг хурсандчилигига хурсанд, хафачилигига хафа бўлиши зарурдир.

Нўъмон ибн Башийрдан ривоят қилинадикки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Мўминлар ўзаро муҳаббатлашишда, ўзаро раҳмдилликда, ўзаро ҳамдардликда бутун бир жасадга ўхшайдилар. Жасаддан бирор аъзо оғриси, бутун жасад бунга уйқусизлик ва иситма ила жавоб қайтаради”, деганлар.

(Имом Бухорий ривояти.)

Иймон сифатларини ўзида мужассам қилган ҳақиқий мўминлар бир-бирларига раҳмдиллик қиладилар, алоқаларни боғлайдилар, бир-бирларини зиёрат этадилар. Бу нарсалар улар орасида (худди бир-бирларига ўзаро ёрдам берганларида пайдо бўлганидек) муҳаббат ва улфатчиликни вужудга келтиради. Ана ўша мўминларни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир бутун жасадга ўхшатмоқдалар. Аъзоларидан бири изтироб чекса, у сабабли жасаддаги барча аъзолар изтироб чекади».

Фотима: «Отажон, Ислом улуғ диндир. Мен Исломни кундан кунга кўпроқ яхши кўряпман», деди.

Ота: «Яхши, Фотима, сенга АЛЛОҲнинг баракаси бўлсин. Энди АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан ёд оламиз: **Валий** (муҳаббат берувчи, нусрат берувчи

ва халқнинг ишени юритувчи Зот), **Ҳамийд** (барча мақтовлар ила мақталган Зот), **Қоҳир** (барчани Ўз ҳукмига юргизувчи, қудрати ила бўйсундирувчи Зот), **Шакир** (оз амал учун кўп савоб берувчи олийжаноб Зот), **Зоҳир** (борлиги очиқ-ойдин, ҳамма нарсадан зоҳир, устун бўлган Зот), **Батин** (бу дунёда кўзга кўринмас, англанилмас; махфий нарсаларни билувчи Зот)», деди.

Маҳмуд: «Тонгги ва кечки зикрлардан қайси бирини ёдлаймиз, отажон?» деди.

Ота деди: «Бугун “Саййидул истиффор”ни ёдлаимиз. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ким уни тонг отганда ва кеч кирганда айтса, жаннатга киради, деганлар.

Саййидул истиффор:

كَذَٰبَ عِيَالٍ أَوْ كَذَبَ أَنْوِي نَقَلَخَ تَنَٰلِ الْهَالِ الْيَبْرَتَٰنَ الْمُجَلِّ
يَلَعِ كَتَمْنَ بَكَ لُؤْبَابُ تَعْنَصَ أَمْرٍ رَّشٍ نَمَّ كَبُذُوعُ تَعَطَّسَاتٍ أَمَّ كَذَعُ وَّو
تَنَٰلِ الْبُونُ دَلَّ رَفَعِي الْهِنِّ فَيَلُ رَفَعِ أَفْ، يَبْنُ ذَبُؤُ بَأَوْ

“Аллоҳумма анта Роббий лаа илааҳа иллаа анта холақтаний ва ана аъбдук ва ана ъала аҳдика ва ваъдика мастатоъту аъзузу бика мин шарри ма сонаъту абуу лака биниъматика ъалаййа ва абуу бизанбий фағфирлий фаиннаҳу лаа йағфируз зунубу илла анта”.

(Маъноси: «Аллоҳим, Сен Роббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Мени яратдинг ва мен Сенинг бандангман, имконим борича аҳдингда ва ваъдангдаман, қилган ишимнинг ёмонлигидан Сендан паноҳ сўрайман, менга берган неъматингга иқрорман, гуноҳимга ҳам иқрорман, бас, мени мағфират қил, албатта гуноҳларни Сендан бошқа ҳеч ким мағфират қилмайди».)

(Имом Бухорий ривояти.)

Шу ерда дарсимиз ҳам тугади, фарзандларим».